



20²⁰ у « 16 » октябр

№ Қ-1593

« » 20 г

+ Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Тошкент шаҳрида “А.И.Герцен номидаги
Россия давлат педагогика университети”
Федерал давлат бюджети олий таълим
муассасаси филиалини ташкил этиш
тўғрисида” 2020 йил 8 октябрдаги ПҚ-4857-
сонли ҳамда вилоят ҳокимининг
2020 йил 10 октябрдаги Қ-566-сон қарорлари
ижросини таъминлаш тўғрисида

Мактабгача таълим соҳаси учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, таълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида “А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 8 октябрдаги ПҚ-4857-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги Қ-566-сон қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида “А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали ташкил этилиб, 2021-2022 ўқув йилидан фаолиятини бошлаши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг
2020 йил “16” октябрдаги
Р-1593 -сонли қарорига
илова

Қумқўрғон туман ҳокимининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Туман ҳокимининг 2018 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2018 йил 9 мартдаги Қ-201-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-898-сон қарорининг 3-банди биринчи ва иккинчи хатбошидаги “мактабгача таълим муассасалари” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Туман ҳокимининг 2018 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5467-сонли фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2018 йил 12 июлдаги Қ-581-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-2035-сон қарорининг 2-бандидаги “мактабгача таълим муассасаларини” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Туман ҳокимининг 2017 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрда”ги ПҚ-3261-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2017 йил 21 сентябрдаги Қ-501-сонли қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-1456-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи-олтинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тарикасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилиши:

замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим ташкилотларини беғараз ажратиш;

инвесторларга мактабгача таълим ташкилотларини, айниқса, шундай ташкилотларга юқори эҳтиёж мавжуд бўлган ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига катъий риоя этиш, келишув амал қилишининг

бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш;

б) 5-банднинг бешинчи, еттинчи - саккизинчи хатбошиларидаги “мактабгача таълим муассасалари” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Туман ҳокимининг 2018 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3571-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2018 йил 2 мартдаги Қ-181-сонли қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-819-сон қарорида:

а) қарор номи ва муқаддимасидаги “мактабгача таълим муассасалари” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

“а” кичик бандидаги “мудирлар” сўзи “директорлар” сўзи билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандининг бешинчи хатбошидаги “мактабгача таълим муассасалари мудирлари” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари директорлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандидаги “мактабгача таълим муассасаларида” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банднинг учинчи хатбошидаги “мактабгача таълим муассасаларини” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Туман ҳокимининг 2019 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги Қ-66-сонли қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-1042-сон қарорининг 2-банди саккизинчи хатбошидаги “мактабгача таълим муассасалари” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин.